

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА СОҲАДА СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ РОЛИ

Аннотация. В данной статье дается обзор экономической оценки проводимых реформ в аграрном секторе Республики Узбекистан, которая ориентирована на текущие проекты по развитию садоводства и виноградарства, которое является важным сельскохозяйственным сектором, их размера и перспектив. Раскрыта роль и значение садоводства и виноградарства в экспортном потенциале Узбекистана.

Annotation. In this article presented the analyzed data on economical evaluation of the reforms that are being carried out in agriculture of the Republic of Uzbekistan. Also highlighted hereby the conducted projects, their volume and perspectives for the development of horticulture and viticulture which are regarded as an important branch of agriculture. The role and importance of the development of horticulture and viticulture have been revealed as well for improving export capacity of Uzbekistan.

Калит сўзлар: боғдорчилик, узумчилик, иқтисодий таҳлил, ислохот, экспорт салоҳияти, озиқ-овқат хавфсизлиги.

Key words: horticulture, viticulture, economical analysis, reforms, export capacity, food security.

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган бундай ислохотлар натижасида 2018 йил ҳолатига республикада мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 13 та йирик инвестиция лойиҳаси ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 8 та лойиҳа йўлга қўйилди. Шу тариқа 40млн. АҚШ доллари миқдоригаги маҳсулотни хорижга экспорт қилиш имконияти туғилди.

Тадқиқот услуби. Тадқиқотда иқтисодиёт соҳасида қабул қилинган умумиқтисодий таҳлил ва статистика услублари, шунингдек К.Хаксивер ва бошқалар (2002) ҳамда Бру Макконел (2008) каби олимларнинг тавсиясидан фойдаланилди.

Иқтисодий таҳлил натижалари ва уларнинг муҳокамаси.

Бугун аграр тармоқда товарлилик даражаси паст бўлган маҳсулотларни ҳосилдан-ҳосилгача сақлаш харажатларини ортиб бориши ёки асосий қисми

бузилиб, сифатининг пасайиши кузатилмоқда. Шунинг учун бозор талабига жавоб бермайдиган мева-сабзавотларни қайта ишлаш зарурияти туғилади. Уларнинг анчагина қисмини озиқ-овқат саноатида қайта ишлаб, ундан повидло, жем, мураббо, мармелад, консерва, шарбат ва компотлар, шароб ва бошқа алкоголь ичимликларини ишлаб чиқариш орқали ички ва ташқи бозорларни янада бойитиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг географик ўрни шундай минтақада жойлашганки, ҳар қандай мева ва узум маҳсулотлари ўзининг қанддорлик даражаси билан ажралиб туради. Бироқ, ушбу маҳсулотларга талаб юқори бўлсада, уни ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб бериш муаммолигича қолмоқда. Бундан ташқари, меваларнинг бир қисми қуритилади ва қайта ишланади. Маҳсулотни қайта ишлаш уларни узоқ муддат сақлаш, узоқ

масофаларга ташиш харажатларини камайтиришга шароит яратади. Боғдорчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш сермеҳнат ва сердаромад ҳисобланиб, уларни жадал ривожлантириш меҳнат, ер, сув ва бошқа моддий ресурслар имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Истиқболда боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини кўпайиши ҳисобига гектаридан ҳосилдорликни 2-3 марта ошириш, сердаромад экин майдонларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Ҳукуматимиз томонидан озиқ-овқат экинларини, интенсив боғ ва узумзорларни кўпайтириш учун кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика бўйича 2018 йил ҳолатига кўра ташкил қилинган жами фермер хўжаликларининг боғдорчилик ва узумчилик йўналишида фаолият кўрсатаётганлари сони 74 113 тага етган бўлиб, уларнинг ўртача ер майдонлари 2,8 гектарни ташкил қилмоқда.

Республикадаги мавжуд боғ ва тоқзорлар 2018 йил ҳолатига номунавий инвентаризациядан ўтказилганда, 12 минг гектар яроқсиз боғ ва 5,2 минг гектар тоқзор аниқланиб, уларни реконструкция қилиш учун тизимли дастурлар ишлаб чиқилди ва бугунги кунга келиб 4,5 минг гектар боғ, 3,2 минг гектар тоқзорлар қайта реконструкция қилинди.

Республикада бугунги кунга келиб боғ ва тоқзорларнинг жами майдони қарийб 185 минг

гектардан ошиб кетган бўлиб, шундан 45 минг гектари интенсив боғлар улушига тўғри келмоқда. Бундай катта миқдорда барпо этилган боғ ва тоқзорларнинг самарадорлигини илғор агротехникаларни қўллаган ҳолда тубдан ошириш республиканинг мева ва узум маҳсулотлари экспорти салоҳиятини янада оширишда муҳим иқтисодий омил ҳисобланади. Шунинг учун мева-узум маҳсулотлари бозорини барқарор ривожлантириш, иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар

ишлаб чиқиш ҳозирги пайтнинг долзарб масалаларидан биридир.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун энг аввало боғ ва тоқзорларни вилоятларнинг табиий тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда тўғри жойлаштириш, истиқболли, бугунги бозор талабларига тўла жавоб бера олувчи янги навлар кўчатларини экиш, экинларни илғор агротехнологияларга амал қилган ҳолда парваришlash, ички ва ташқи бозорда сотиш учун маҳсулотларни жаҳон

андозалари асосида қадоқлаш, логистика хизматини ва махсус ихтисослашган транспорт воситалари билан таъминлаш, тезкор товат сертификатини бериш, чет давлатларда сотиш тизимидаги тўсиқларни бартараф этиш, ҚҚС тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича давлатлар ўртасида келишувларни йўлга қўйиш, йўлларда транспорт текширувини кескин камайитириш, транспортни салт қайтмаслиги учун республикага кирадиган юкларни таъминлашни ташкил этиш каби қатор муаммолар ечимини ижобий ва тезкор ҳал қилиш тақозо этилади.

О. Абдурашидова.

Фойдаланилган адабиётлар:

Маматов М.А., Хуррамов А.Ф. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: «Сано-стандарт» нашриёти, 2016. – 124 б.

Хаксверк К., Рендер Б., Рассел Р.С., Мердик Р.Г. Управления и организация в сфере услуг: теория и практика: Service management and Operation – 2-е международ изд. – СПб. 2002. – 496 с.

McConnell Brue. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008.

Инновацион ёндашув

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТЛАР БАЗАСИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ

АННОТАЦИЯ: Мақолада фермер хўжалиги автоматлаштирилган тизимини яратиш ва фойдаланишни ташкил этиш ҳамда бу хайрли ишнинг афзаллиги атрофлича баён этилган.

АННОТАЦИЯ: В статье показаны этапы создание и организация использования автоматизированных информационных систем в «Фермерском хозяйстве». В статье «Фермерского хозяйства» формируется информационная база показателей, автоматизированных системы.

Калит сўзлар: автоматлаштирилган тизим, марказлашган маълумотлар базаси, сервер, хавфсизлик, логин, парол, электрон рақамли имзо, электрон калит.

Аграр тармоқда ресурстежамкор технологияларни жорий этиш масаласи, нафақат республикада балки дунё миқёсидаги глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, табиий ва моддий ресурсларнинг чекланганлиги, уларнинг сотиш баҳоси қимматлашиб бораётганлиги, уларга бўлган талабни

ошганлиги, атроф-муҳит ва экологик ҳолатга салбий таъсир кучайиб бораётганини кўриш мумкин. Шу боис биз таклиф этаётган фермер хўжалигининг автоматлаштирилган ахборотлар тизимини яратиш бир қатор қулайликлар яратади. Аввало барча маълумотларнинг электрон шаклга кўчиши орқали

туман, вилоят, республика кесимида исталган пайтда, саноқли дақиқаларда маълум бир фермер хўжалиги фаолияти бўйича аниқ хулоса олиш мумкин. Шунингдек ушбу база орқали фермерлар тасарруфидаги ерлар, уларнинг агротехник-мелиоратив ҳолати, экинларнинг жойлашуви, техникалар тури ва сони, маҳсулотлар тури, етиштирилган маҳсулот ҳажми, қўйинг-чи фермер хўжалиги ҳақидаги барча маълумотлар экранда намоён бўлади.

Афсуски айни чоғда республикамизда бундай тизим йўқ. Фермер хўжалиги офисларининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва базалари тўлиқ яратилмаган.